



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХОТИРАСИ ЁД ЭТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2 сентябрь куни Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.



Ислон Каримов бундан ўттиз бир йил олдин мамлакатимизнинг миллий мустақиллигини дунёга эълон қилган эди. Бу давлатчилигимизни ва инсоний ҳақ-

ҳуқуқларимизни тиклаб, барча ютук ва марраларимизнинг замини бўлди. Шу боис, Биринчи Президентимизга ҳурмат ўз тарихимизга ҳурмат ифодасидир.

Хотира тадбирида Ислон Каримовнинг халқимиз манфаати йўлидаги хизматлари ёдга олинди. Қуръон тиловат қилинди.

Давлатимиз раҳбари устозларни қадрлаш ва ҳамиша ёдга олиш кераклигини, бу ёш авлодга ўрнак бўлишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари

ҳам Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гуллар қўйди. Шундай тадбирлар Самарқанд ва Қарши шаҳарларида ҳам ўтказилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

НОРАСМИЙ БАНДЛИК УЛУШИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ҲАМДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БАЛАНСINI ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Меҳнат ресурслари балансини шакллантириш тартибини такомиллаштириш, ишсиз фуқароларни, айниқса, хотин-қизлар ва меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш, шунингдек, норасмий бандликни камайтириш бўйича таъсирчан янги механизмларни жорий этиш мақсадида:

1. Маҳаллаларда ишсизликни камайтириш ва норасмий бандлик улушини қисқартириш учун шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб 1-иловада кўрсатилган 10 та фаолият тури ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига киритилсин;

б) 2023 йил 1 январдан бошлаб яқка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар учун ижтимоий солиқ суммасининг энг кам миқдори ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваригача камайтирилади (бундан савдо мажмуалари ва бозорларда фаолият юритаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар мустасно);

в) 2023 йил 1 январдан бошлаб ўзининг шахсий томорқа ер участкасида 2-иловада кўрсатилган фаолият турлари билан шугулланаётган фуқаролар томонидан йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдоридан ижтимоий солиқ тўланган

тақдирда, улар расмий банд бўлган аҳоли тоифасига киритилади ва ушбу давр уларнинг меҳнат стажига қўшилади. Бунда:

2-иловада кўрсатилган фаолият турлари билан шугулланаётган фуқароларга уларга тегишли бўлган томорқа ер участкасининг майдони ёки улар томонидан парвариш қилинаётган уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг сонидан қатъи назар, ихтиёрий тартибда ижтимоий солиқни тўлашга рухсат этилади;

2-иловада кўрсатилган фаолият турлари билан шугулланаётган фуқароларнинг ҳисобини юритиш маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчилари (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчилари) томонидан амалга оширилади;

г) 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб томорқа ер участкалари эгаларини кооперация ва касаначилик асосида иш билан банд қилган тадбиркорлик субъектларига Бандликка қумаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан:

парранда (товуқ, бедана, ўрдак, ғоз, курка), паррандани сақлаш учун катак, озуқа еми ҳамда дори воситалари; узум қўчати ва ток сўриси; асалари оиласи, асалари уяси учун қўти ҳамда озуқа еми; кувён, кувён катаги ва озуқа еми; балиқ чавоқлари, сунъий ҳовуз ва озуқа емини харид қилиш ҳамда кейинчалик томорқа ер эгаларига тақдим этиш учун субсидия ажратилади.

Бунда, мазкур субсидия бир нафар томорқа ер участкаси эгаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваригача миқдорда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиясига асосан ажратилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев) ҳамда Маҳаллабандлик ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (М.Убайдуллаев) билан биргаликда уч ой муддатда Солиқ кодексига мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритишга оид қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. 2023 йил 1 январдан бошлаб қуйидагиларга рухсат этилсин:

яқка тартибдаги тадбиркорларга мураккаб бўлмаган умумий қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари (бетон қўйиш, бўёқчилик, сувоқчилик ишлари, ғишт ва кафель териш, перфорация, дурадгорлик, чилангарлик ва бошқа умумий қурилиш ишлари)ни (кейинги ўринларда — умумий қурилиш ишлари), шу жумладан, юридик шахслар учун ҳам бажаришга;

қурилиш-пудрат ташкилотларига умумий қурилиш ишларини бажариш учун шартнома асосида яқка тартибдаги тадбиркорларни жалб қилишга.

Белгилаб қўйилсинки:

яқка тартибдаги тадбиркорларга умумий қурилиш ишларини бажариш учун беш нафаргача ходимларни ёллашга рухсат этилади;

▶ Давоми 2-бетда

ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

ЯНГИЛАНАЁТГАН НАМАНГАН: БУЎДКОР ВА ҲАМЖИҲАТ ЭЛ НАФАСИ

Эл-юртни эъзозлаш, аввало, шу заминдаги тинчлик ва хотиржамликда, мунтазам олиб борилаётган бунёдкорлик жараёнида, эришилган ютуқларда ва халқнинг розилиги янграётган самимий сўзларда акс этади. Бундай яратувчанлик жараёни бугун юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, энг чекка ҳудудларида ҳам рўй бераётгани қалбимизга мамнуният бахш этиши шубҳасиз.

▶ Давоми 2-бетда



ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

КЕЛАЖАК АВЛОД ҲАР ЖИҲАТДАН КАМОЛ ТОПАЁТГАН ЮРТ

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ — БИЗ УЧУН КУЧ-ҚУДРАТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ватани муқаддас замин, яхлит бир вужуд, деб ҳисобласак, мустақиллик ўша вужуднинг яшаши, униб-ўсиши учун зарур бўлган ҳаво кабидир. Мустақиллик — бебаҳо ва ҳамиша қадри баланд бўлган илоҳий неъмат. Мустақиллик — Янги Ўзбекистондаги барча эзгу ислохотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси!

Сўнги йилларда Янги Ўзбекистон деган ном бутун дунё узра инсонпарвар гоёлар ва ташаббусларни илгари сураётган, инсон қадри барча нарсадан устун, дея эътироф этилаётган, ёшлари ҳар жиҳатдан камол топаётган юрт сифатида довуқ қозонмоқда. Бугунги эришилаётган ижобий ва тарихий натижаларнинг асоси, шубҳасиз, мустақилликдир.

▶ Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

НОРАСМІЙ БАНДЛИК УЛУШINI ҚИСҚАРТИРИШ ҲАМДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ БАЛАНСИНИ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

умумий қурилиш ишларини бажариш фаолияти билан шуғулланаётган ҳамда камида уч нафар ходимни ёллаган яқка тартибдаги тадбиркорга Бандликка қўмақлашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнат қуроллари ва асбоб-ускуналарни сотиб олишга субсидия ажратилади. Бунда, субсидия миқдори битта ходим учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравадидан ошмаслиги лозим.

3. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда:

маҳаллаларда умумий қурилиш ишлари билан норасмий шуғулланаётган жисмоний шахслар, шунингдек, хорижий давлатларда қурилиш соҳасида ишлаб, Ўзбекистон Республикасига қайтган фуқароларга яқка тартибдаги тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган субсидияларни олишга қўмақлашин;

2024 йил 1 мартга қадар бир марталик ишларини бажарувчи шахслар учун қулай шароитлар яратиш мақсадида улар кўп йилгидан бўлиб қолган кунлик меҳнат марказларини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш ҳамда ушбу марказларда банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш билан боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатиш чораларини кўрсин.

4. Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров): қурилиш-пудрат ташкилотлари ўртасида умумий қурилиш ишларига яқка тартибдаги тадбиркорларни кенг жалб қилиш бўйича тарғибот ишларини олиб бурсин;

яқка тартибдаги тадбиркорларни Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилимининг ривожлантириш, "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари доирасида бажариладиган умумий қурилиш ишларига кенг жалб қилсин.

5. Қўйидагилар: 2022-2024 йилларда норасмий бандлик улушини қисқартириш бўйича "йўл харитаси" 3-иловага мувофиқ;

2023-2026 йилларда норасмий бандлик улушини қисқартириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Қудратов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ҳамда Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Қудбиев) билан биргаликда:

ҳар чоракда маҳаллаларда норасмий банд бўлган фуқаролар ўртасида сўровнома ўтказиб бурсин; сўровномалар натижасида норасмий бандликни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўрсин;

ҳар чоракда ҳудудлар ва иқтисодий фаолият турлари кесимида аниқланган норасмий бандликни бартараф этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ҳар йили камида 500 миң нафар норасмий банд бўлган шахсларнинг фаолиятини белгиланган тартибда расмийлаштириш бўйича зарур амалий чора-тадбирларни амалга оширсин.

7. 2022 йил 1 ноябрдан меҳнатга лаёқатли аҳолини рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш бўйича шундай тартиб жорий қилинсинки, унга мувофиқ қўйидагиларнинг ҳисоби:

юридик шахсларда фаолият юритаётган шахсларнинг — "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексига, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ҳисоб-китоби ҳамда давлат статистика ҳисоботларида;

яқка тартибдаги тадбиркорлар ва улар ёллаган ходимлар, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳамда деҳқон ҳўжаликларига банд бўлганлар — Давлат солиқ қўмитасининг ахборот базасида;

хунармандлар — "Хунарманд" уюшмасининг ахборот базасида;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларида банд бўлганлар ва касб-ҳунарга ўқиётганлар — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг "Бандлик хизмати" ахборот тизимида;

хорижий давлатларга вақтинчалик меҳнат фаолиятини юритиш учун кетган шахслар — Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг "Labour migration" ахборот тизимида ҳамда Ички ишлар вазирлигининг ахборот базасида;

шахсий томорқа ер участкаларида банд бўлган фуқаролар — Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот тизимида ҳамда Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ахборот базасида;

ўзларига ажратилган қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларида банд бўлганлар — Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ахборот базасида;

ишлаб чиқариш кооперативларида ҳамда касаначилик (уй меҳнати) билан банд бўлганлар — Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ахборот базаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг "Бандлик хизмати" ахборот тизимида;

уй шароитида пилла етиштириш, ипак мато, қўлда ипак гилам тўқиш билан шуғулланувчи ҳамда шахсий томорқа ер участкасида тут меваси ва кўчати етиштирувчи шахслар — "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси ахборот базасида;

бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчи, тадбиркорлик субъектларига ёрдам берувчи оила аъзолари ҳамда оилавий корхоналарда банд бўлганлар — Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ахборот базаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг "Mening ishim" буюртмалар биржаси онлайн-майдони ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг ахборот базасида;

туман (шаҳар) аҳоли бандлигига қўмақлаш марказлари томонидан рўйхатга олинган ишсиз фуқаролар — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг "Бандлик хизмати" ахборот тизимида юритилади.

8. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги уч ой муддатда:

Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда "Ягона миллий меҳнат тизими"

идоралараро дастурий-аппарат комплексининг мазкур қарорнинг 7-бандида кўрсатилган ахборот манбалари билан интеграция қилинишини; "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексига жамланган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурслари балансини шаҳар ва туманлар кесимида ишлаб чиқишлирини таъминласин.

9. Ёшлар ишлари агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг "Ёшлар дафтари" платформасида "Битирувчилар бандлиги" функционалини жорий қилиш ва бу орқали умумий ўрта, профессионал ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларнинг уч йил давомидаги бандлик ҳолатини мониторинг қилиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда "Ёшлар дафтари" платформасининг тегишли вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари ва ресурслари билан интеграция қилинишини таъминласин.

10. "Ўз келажагимга ўзим инвестор" лойиҳаси доирасида 2023-2024 йилларда меҳнат органлари томонидан хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларига кўрсатиладиган хизматларнинг прогност кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.Норқулов) ҳамда Молия вазирлиги (Т.Ишметов) меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар бандлигини таъминлаш, шу жумладан, уларни доимий ва вақтинчалик ишларга жойлаштириш, тадбиркорликка жалб қилиш, касб-ҳунарга ўқитиш ҳамда қонунчилик

ҳужжатларида белгиланган субсидияларни ажратиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда:

норасмий меҳнатнинг инсон ҳаёти ва соғлиғи, ижтимоий ҳавфсизлиги, иш қобилияти сақланишига салбий таъсири, уларда давлат пенсия таъминотида бўлган ҳуқуқни берувчи иш стажини шаклландирмаслиги юзасидан;

"Ўз келажагимга ўзим инвестор" лойиҳаси доирасида хориждан қайтиб келган ва ўз бизнесини йўлга қўйиб, самарали меҳнат қилаётган тадбиркорлар фаолияти тўғрисида видеороликлар ишлаб чиқишлири ҳамда оммавий ахборот воситаларида, расмий веб-сайтларда, ижтимоий тармоқларда намойиш қилиб борилишини ташкил этсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б.Хусанов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2022 йил 30 август

Ш. МИРЗИЁЕВ

ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

Шавкатжон АБДУРАЗЗОҚОВ, Наманган вилояти ҳокими

Бошланиши 1-бетда

Бу борада сўз юритиш, айниқса, шундай шукўхли кунларда янада фахрли ва қувончлидир. Наманган аҳлининг ҳам-жихатлик билан амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари туфайли вилоятимиз тобора кўркам ва замонавий қиёфа касб этмоқда. Ислохотларнинг янги босқичга кўтарилгани барча соҳалар ва йўналишлар бўйича эришилган натижаларда янада яққол намоён бўлаётди. Ҳар йили муваққиллик байрами арафасида фаолиятимизни таҳлил қилиш, келгуси режалар ҳақида халқимизни хабардор этиш ўзига хос эзгу анъанага айланган.

2022 йил чинакам тараққиёт даври сифатида тарихга муҳрланмоқда. Жумладан, маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчилари лавозимларининг жорий этилиши, маҳалла раислари сайлови уюшқоқликда ўтказилгани жамиятда, халқимиз ҳаётида туб ўзгаришларга омил бўлаётгани сир эмас. Мамлакатимизда "маҳаллабай" ишлаш тизими йўлга қўйилиши тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш сингари масалалар ечимига хизмат қилмоқда.

Ҳоким ёрдамчилари ўтган қисқа даврда вилоятимизнинг 788 маҳалласидаги 524,5 мингта хонадонни уйма-уй юриб хатловдан ўтказди. Ёшлар билан ишлашнинг янги босқичи бўлган механализмнинг жорий этиш, унинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда бартараф этиш мақсадида маҳаллаларда ёшлар етакчилари лавозими ҳам жорий этилди. Вилоят бўйича "Ёшлар дафтари"га киритилган 13 миң 300 йилгит-қиздан 11 миң 167 нафарининг мурожаати (84 фоиз) ижобий қаноатлантирилди.

Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолилари шу йилнинг август ойи якунига қура, "Аёллар дафтари"даги 53 миң 971 хотин-қиздан 48 миң 846 нафарининг (91 фоиз) муаммоларини ижобий ҳал этди ва уни яқунлаш чора-тадбирларини олиб бормоқда.

Бугун вилоят марказидан тортиб, барча туманларда, энг олис қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам кенг қўллаб-қувватловчи қураб бўласиз. Бу ҳақида сўз юритганда, факт ва рақамларга мурожаат қилиш энг маъқул йўл.



кечилгани ҳамда шаҳар ташқарисидан муносиб жой ажратилгани барчага бирдек маъқул келмоқда. Давлатобод ва Тўрақўрғон туманлари чегарасида жойлашган, тенг ярми яшил ҳудуд бўлиши кўзда тутилган 1203 гектар майдонда 750 дан ортиқ 9-16 қаватли турар жой мажмуаси, 100 дан ортиқ савдо маркази, шунингдек, мактаб, олий таълим муассасалари, мехмонхона, шифохона, кинотеатр ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ҳамда 200 миңдан зиёд аҳоли учун барча инфратузилим ва ижтимоий соҳа объектларига эга бўлган шаҳарча барпо этиш режалаштирилган. Шаҳарчининг кириш қисмидаги 68 гектар майдонда "Янги Ўзбекистон" боғи бунёд этилади. Бу боғ нафақат янги шаҳарчамизга, балки вилоятимиз маркази бўлиши Наманган шаҳрига кириб келаётган мехмонларда ҳам илқ таассурот уйғотишига ишонамиз.

Бир вақтлар Наманган мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги ва енгил саноати ривожланган ҳудуд сифатида танилган эди. Кейинги йилларда янгица ёндашувлар туфайли вилоятда қизгин бунёдкорлик ишлари авжида, саноат ҳам жадал ривожланмоқда. Саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг янги ички маҳсулотдаги ўрни 2017 йилдаги 21,5 фоиздан 23,8 фоизга ошгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Президентимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарор ва фармонлари бу борада янада кенг имкониятлар берди. Бугун Наманганда 30 миңдан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият юртимокда. Шу йилнинг ўзида 7 миң 700 та янги корхона иш бошлади ва 23 миңга яқин иш ўрни пайдо бўлди. Яқинда бир гуруҳ наманганлик тадбиркорларнинг "Фаол тадбиркор" кўрак нишонини билан тақдирляниши ҳам вилоятимизда ишбилармонлик муҳитини қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантиришга катта рағбат бўлди.

Наманган тажрибаси сифатида шаҳар ва туманларнинг ҳар бир секторида янги кичик саноат зонаси ташкил этилиб, улар соғи 73 тага етказилди. Шу орқали янги иш ўринлари яратишда кенг имконият юзага келди. Чунончи, кичик саноат зоналарида жами 65,5 миңдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, 1 миң 165 та ҳудудий инвестиция лойиҳасида 34 миң 816 та янги иш ўрни яратишни белгилаб олган эдик. Мустиқлилик байрамига қадар умумий қиймати 2,6 триллион сўм қийматидаги лойиҳалар ишга туширилди ҳамда 22 миңга яқин янги иш ўрни пайдо бўлди. Шунингдек, 103 та инвестиция лойиҳаси тасдиқланиши ва 61 та ижтимоий



соҳа объекти очилиши халқимиз учун ажойиб тухфа бўлди.

Вилоятимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш доимий кун тартибидан долзарб ва муҳим масалага айланган. Бугунги кунда Наманганда мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиш даражаси сўнгги беш йил ичида 24 фоиздан 73,3 фоизга етказилди. Жорий йилнинг ўзида инвестиция дастури доирасида 21 та мактабгача таълим ташкилоти қиёфасини тубдан яхшилаш учун 115 миңлиқ сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Халқ таълими тизимида ҳам катта бунёдкорлик йили бўлмоқда. 36 та умумтаълим мактабига қурилиш-таъмирлаш ишлари учун бюджетдан 213 миңлиқ сўм маблағ ажратилди. Ҳар йили бошланғич оқидан 24 та мактабдаги қурилиш-пардозлаш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди.

Шу йилдан вилоятимизнинг барча туманларида Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани "Нажот — таълимда!" тамойилининг ёрқин мисолидир.

Наманганда аҳоли соғлиғини сақлаш чора-тадбирлари хусусида сўз борар экан, жабҳадаги янгиликларини жаҳон андозаларига бемалол таққослаш мумкин. Мисол учун, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиали 357 миң евро қийматидаги энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази 2,5 миңлиқ сўмлик сўнгги русумдаги сунъий қон айланishi

аппарати билан таъминланди. Поп туманидаги махсус карантин зонаси тугатилиб, у ердаги тиббиёт контейнерлари 131 маҳаллага кўча тиббиёт пунктига мослаштира ўрнатилди.

Вилоятда олий таълим тизими ҳам сон ва сифат жиҳатидан жадал юксалиб борапти. Шу йилнинг ўзида олий таълим муассасалари сонини яна учтага кўпайиб, жами олтига етди. Жумладан, Наманган давлат университетини қошидаги Педагогика институтини ҳамда Наманган муҳандислик-технология институтини негизда Наманган тўқимачилик саноат технологияси институтини ташкил этилди. Тез кунларда вилоят марказида Турон халқаро университети, Тўрақўрғон туманида Исҳоқжон Ибрат олий ўқув юрти расман очилиш арафасида.

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир қарор ва топшириқларини самарали ижро этиш орқали соҳаларда ижобий натижаларга эришилмоқда. Фикримиз яна факт ва рақамларда акс этади: янги ҳудудий маҳсулот ҳажми 6,6 фоизга, саноат маҳсулотлари ҳажми 8 фоизга, ҳалқ истеъмолчи моллари ҳажми 16 фоизга, пудрат ишлари ҳажми 9,8 фоизга, жами ҳизматлар 16 фоизга ўсди. Қолаверса, 2022 йил давомида 573 миңга яқин иш ўрни яратилиш билан Наманган бўлиб, 1 августгача 421 миң фуқаронинг бандлиги таъминланди. Бунда, айниқса, фуқароларга 10-15 сотихдан ўн йилга ижара асосида экин ерлари ажратиб берилган муомил олим бўлганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Йил якунида 7,9 триллион сўмлик 593 та ҳудудий инвестиция лойиҳаси татбиқ этилиб, 23 миңга яқин иш ўрни яратилади. Жорий йилнинг иккинчи

ярмида 157,9 миңдан зиёд ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари олиб борилаётди. Бундан ташқари, 5 миң 300 ишсиз фуқаро саноат, хизмат кўрсатиш, қурилиш, ахборот технологиялари, замонавий агротехнологиялар бўйича касб-ҳунарга ўқитилади. Амалга оширилаётган режаларимиз давоми сифатида қайд этиш жоизки, вилоятга 346 миллион доллар хорижий инвестиция ва кредит маблағлари жалб этилади. Намангандаги корхоналар томонидан жами 501,2 миллион доллар қийматидаги маҳсулот экспорт қилинади.

Наманганда нафақат маҳаллий, шунингдек, халқаро аҳамиятга эга моддий ва маънавий мерос объектлари оз эмас. Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ҳар бир таширфи мазкур йўналишда улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширишга пойдевор бўлмоқда. Исҳоқжон Ибрат мемориал мажмуаси, Аҳсиқент тарихий ёдгорлиги, Султон Увайс Қараний ва Ўн бир Аҳмад каби зиёратгоҳларнинг бугунги гўзал қиёфаси шундан далolat беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вилоятимиз туризм соҳасида ҳам катта салоҳиятга эга. Ёзтибор бериб, бу йил 61-халқаро гуллар фестивалида вилоятимизга 2 миллиондан ортиқ сайёҳ таширфи буюргани ҳам фойдаланишимиз лозим бўлган имкониятлар бисёрлигини аналгатади. Биз ҳар томонлама ўйлаб қўриб, халқаро фестивалга макомини олган гуллар байрамини ўтказиш учун Янги Наманган шаҳарчаси тарихида ташкил этиладиган "Янги Ўзбекистон" боғини мос равишда лойиҳалаштирдик.

Президентимизнинг 2022 йил 10 февралдаги "Оташнинг шoir, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори юртимизда, жумладан, Наманганда янги эзгу гоғлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилишига асос бўлди. Бу қарор ижроси "Янги Ўзбекистонда эп азиз, инсон азиз!" гоғсияга ҳамоҳанг тарзда амалга оширилмоқда. Мазкур сана олтидан Усмон Носир хиёбони ва бюстини ўрнатиш ишларига киришилди. Шoir яшаб ижод этган уйни обод масканга айлантириш бўйича саъй-ҳаракатлар давом эттирилмоқда.

Бугун Наманган вилоятида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар сурвати бундан буюн ҳам юксалиб бораверади. Зеро, бутун мамлакатимиз бўйлаб қон сайн намоян бўлаётган бунёдкорлик ишлари, эришилаётган ютуқлар, барча соҳаларда яратилаётган имкониятлар, энг муҳими, халқимизнинг ҳамжихатликка интилиши шундай ишонч ва эзгу мақсад сари ундайди.

Давлатимиз раҳбари "Бизнинг томирларимизда ана шундай улуг боболаримизнинг қони оқар экан, уларнинг муносиб ворислари бўлиш, улар каби юксак мақсадлар сари интилиб яшаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир!" дея бежиз таъкидламаган эди. Зотан, эп-юртта садоқатимиз, меҳримиз, чин фарздлик бурчимиз Ватан тинчлиги, равнақи йўлидаги интилишимизда, амалга ошираётган бунёдкорлик ва халқ розилиги йўлидаги эзгу ишларимизда акс этаверади.

БИЗ ЎЗБЕКИСТОН ПОКИСТОННИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ ЭКАНИНИ ВА ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛИШНИ ҲАМИША ҲИС ҚИЛГАНМИЗ

ПОКИСТОН РАСМИЙЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДАН ЕТКАЗИЛГАН ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИНИ САМИМИЯТ ВА МИННАТДОРЛИК БИЛАН КУТИБ ОЛДИ

Ўзбекистон томонидан давомли муссон ёмғирлари ва сув тошқинларидан жабр кўрган Покистон халқига ёрдам бериш мақсадида юборилган инсонпарварлик юки 1 сентябрь куни Ислмобод аэропортига етказилди.

Ўзбекистон ҳарбий ҳаво кучлари махсус самолёти етказган 40 тоннага яқин бегараз ёрдам таркибини озиқ-овқат, трикотаж маҳсулотлари ҳамда бошқа товарлар ташкил қилди. Ушбу маҳсулотлар табиий офатдан энг кўп зарар кўрган хуудларга юборилади.

Инсонпарварлик тадбири Президент Шавкат Мирзиёев топшириғига биноан амалга оширилди.

Эслатиб ўтамиз, сўнгги бир неча ҳафта давомида Покистонда мисли кўрилмаган муссон ёмғирлари ва сув тошқинлари миллионлаб оилалар кундалик ҳаётига салбий таъсир кўрсатган, 1000 дан ортиқ киши ҳалок бўлган. Айниқса, Балуҷистон ва Синд вилоятлари аҳолиси энг кўп зарар кўрди. Юз минглаб одамлар бошпанасиз қолган.

Ислмобод халқаро аэропортида юкини Покистон фан ва технологиялар федерал

вазир Ага Ҳасан Балоч ушбу мамлакат ҳукумати номидан қабул қилиб олди.

— Бугун биз учун синовли ва оғир бўлган кунларда биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзган ўзбек қардошларимизнинг самимий ҳамдардлик туйғуларига гувоҳ бўляпмиз, — деди вазир. — Покистон ҳукумати ва халқи қардош Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг саховатини юксак қадрлайди.

Ташқи ишлар департаменти бош директори Файсал Какар Ўзбекистон Покистонда сув тошқинлари оқибатида юзага келган оғир ижтимоий вазият шароитида МДҲ ва Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзган давлатлардан бўлганини таъкидлади.

— Мазкур инсонпарварлик ёрдами яқин дўстлик ифодаси ва халқларимиз ўртасидаги биродарлик муносабатларининг

навбатдаги ёрқин ишоти бўлди, — деб қайд этди дипломат.

Фавқулодда вазиятлар миллий агентлиги вакили Аҳсан Сиддиқий “Ўзбекистон Мустақиллик куни нишонлаётганига қарамадан, Покистонга самимий дўстлик ва қардошлиқ муносабатини намойиш этиб, жуда ҳам керак бўлган инсонпарварлик ёрдамини Ислмободга етказди”, деб қайд этди.

Покистоннинг “Ягона келажакка эга жамият” таҳлил маркази ижрочи директори Халид Таймур Ақром ўзининг Твиттердаги саҳифасига шундай сўзларни жойлаштириб: “Шиддатли муссон ёмғирлари Покистоннинг яқин тарихидаги энг ҳалокатли сув тошқинларига сабаб бўлди. 1 минг 100 дан ортиқ одам, шу жумладан, 350 дан ортиқ бола ҳалок бўлди. Юз минглаб уйлар, жумладан, тиббий-ижтимоий муассасалар, сув таъминоти тизимлари издан чиқди. Ушбу ҳалокатли инқироз даврида Ўзбекистон четда турмади ва Покистонга, кўмакка муҳтож биродарларига инсонпарварлик ёрдамини юборди. Ҳақиқий дўст синовда билинади. Биз Ўзбекистон

Покистоннинг ишончли ҳамкори эканини ва шундай бўлиб қолишни ҳамиша ҳис қилганмиз”.

Пешовар университети минтақавий маркази директори, профессор Шабир Аҳмад Хон ҳам Ўзбекистон ҳукумати-га самимий миннатдорлик билдирди: “Покистон учун синовли кунларда Ўзбекистон сув тошқинларидан зарар кўрганларга биринчилардан бўлиб инсонпарварлик ёрдамини юборди. Бундай дақиқаларда дўстларнинг елкасини ҳис қилиш жуда муҳимдир. Ўзбекистон ҳар доим Покистоннинг ишончли дўсти бўлиб келган. Бу ҳақиқат бугун яна бир бор тасдиқланди. Ўзбекистон ўзига хос инсонийлик ва саховат намоян этди — Покистонга табиий офат оқибатлари билан курашиш учун ёрдам юборди. Ушбу хайрихолик ҳаракати абадий эсда қолади ва дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди. Яшасин, Покистон — Ўзбекистон дўстлиги”.

Ўзбекистоннинг инсонпарварлик кўмаги Покистон ахборот маконида тезкор ёритилди. “Associated Press

of Pakistan — APP” ахборот агентлиги, “PTV” Марказий телекорпорацияси, “Diplomatic News Agency — DNA”, “Islamabad Post”, “The Diplomatic Insight” ва бошқа етакчи газета, журнал ва интернет манбалари дўст Ўзбекистондан қардошлиқ ёрдами келгани ҳақидаги маълумотларни эълон қилди.

Хусусан, “The Diplomatic Insight” ахборот ресурси “Ўзбекистондан инсонпарварлик ёрдами юқланган самолёт Покистонга етиб келди” сарлавҳаси остида мақола чоп этди. Ўзбекистон тақдим этган инсонпарварлик ёрдамини Покистон томонидан илқ ва миннатдорлик билан кутиб олинди, деб қайд этган материал муаллифи.

Мақолада Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги муносабатлар тарихи ва бугунги ҳолати ҳақида ҳам сўз юритилган.

“Покистон 1991 йилда Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлатлардан ҳисобланади, — деб ёзади муҳбир. — Утган давр мобайнида қардош давлатлар ўртасида дўстлик муносабатлари изчил ривож топиб келмоқда. Икки мамлакат ва икки халқ ўртасидаги яқин

ришталар умумий маданий, маънавий ва диний-маърифий илдизларга асосланади”.

“1 сентябрь куни Ўзбекистон ҳарбий ҳаво кучларининг махсус самолёти кучли сув тошқинларидан зарар кўрган қардош Покистон халқига ёрдам бериш мақсадида гуманитар юк билан Ислмободга келди. 40 тонна миқдоридagi инсонпарварлик ёрдами озиқ-овқат ва трикотаж маҳсулотлари, бошқа товарлардан иборат бўлиб, у табиий офатдан энг кўп зарар кўрган хуудларга етказилади”, дея хабар берди DNA ахборот агентлиги.

“Биз учун шундай синовли ва оғир кунларда кўмак қўлини чўзган ўзбек қардошларимизнинг ҳақиқий ҳамдардлик туйғусининг гувоҳи бўляпмиз. Покистон ҳукумати ва халқи Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг инсонпарварлик ёрдамини юксак қадрлайди”, дея фан ва технологиялар федерал вазир Ага Ҳасан Балоч сўзларидан иқтибос келтирган нашр.

“Islamabad Post” газетаси ҳам ўз сайтида “Ислмободга инсонпарварлик ёрдамини юқланган ўзбек самолёти етиб келди” сарлавҳаси остида тезкор маълумот жойлаштириб, Ўзбекистондан инсонпарварлик ёрдамини юксак самимият ва миннатдорлик билан кутиб олинганини хабар қилган.

“Дунё” АА

Ислмобод



ЖАРАЁН

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари энг олис манзилларда умргузаронлик қилаётган одамлар ҳаётини тубдан ўзгартирди. Йиллар давомида ечимини кутиб турган турфа муаммоларни ҳал этиб, одамлар узоғини яқин, оғирини енгил қилиш имкониятини берди.

Данғара туманида ҳам дастур доирасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бандлигини таъминлаш кўлами кенгайди. Бир неча йиллардан буён тозаланмай қолган сув тармоқлари, йўл ва йўлакларни таъмирлаш, ноқонуний ва ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойларни тартибга келтириш, тоза ичимлик сув етказиб бериш, табиий газ, электр энергияси таъминоти билан боғлиқ кўплаб масалаларга ечим топилмоқда.



ШАҲАР БИЛАН БЎЙЛАШАЁТГАН ОБОД ҚИШЛОҚЛАР

— Ободлик, бунёдкорлик билан боғлиқ ишлар ҳар бир маҳалла ва қишлоқларда кенг кулоч ёйди, — дейди туман ҳокими ўринбосари Тоҳиржон Солиев. — Одамлар ўзларининг кундалик ҳаёт тарзи учун муҳим масалалар ечимига бефарқ эмас. Дастур доирасида фақат йўл, сув, электр таъминотини яхшилаш билан чекланиб қолинаётгани йўқ. Шу кунга қадар Оқтепа маҳалласидаги 27-мактаб учун 330 ўринли кўшимча бино, “Тайпоқ” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 47-мактабгача таълим ташкилоти биносини таъмирлаш, икки қаватли бино қуриш, 580 жилиқлараро Пишқарон коллекторининг 7 километрини реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда.

“

“ҚИЯЛИ-ҚЎРҒОНЧА” МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИДА 3 МИНГДАН ОРТИҚ АҲОЛИ ЯШАЙДИ. МАҲАЛЛАДА ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ЭНГ ОҒРИҚЛИ НУҚТАЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ КЕЛГАН. МАВЖУД МАСАЛАЛАР ЕЧИМИДА “ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ”НИНГ ЎРНИ КАТТА БЎЛДИ. МАҲАЛЛА АҲЛИНИНГ ҲУДУДДАГИ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА БИЛДИРГАН ТАКЛИФИ ҒОЛИБ БЎЛДИ. БУ ИШЛАР УЧУН 580 МИЛЛИОН СЎМ АЖРАТИЛГАН.



“Бу кунларни ўттиз бир йил кутдик”

Бир гуруҳ хотин-қизлар билан йўл бўйидаги катта топ ёнида учрашдик. Одамлар юзюзида табассум, ҳаётларидан мамнунилик уфуриб турибди.

— Бу ерга келин бўлиб тушганимга ўттиз йил бўлди, — дея сўз бошлади Одинахон Султонова. — Шу кунга қадар жуда оғир шароитларда яшаб келдик. Фарзандларимиз боғчага бормади катта бўлган. Барча қийинчиликлар ортада қолди. Давлат-хусусий шериклик асосида янги мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилди. Сув, электр, йўл билан боғлиқ масалалар бартараф қилинди. Эътибор ва ғамхўрлик туфайли олис қишлоққа мана шундай ободлик, бунёдкорлик, фаровонлик келди. Бу ерда эмин-эркин, тинч-тотув яшаш, меҳнат қилишни орзу қилгандик, орзуларимиз ижобат бўлди.

Олис қишлоқда бошланган амалий ишохотлар соғлиқни сақлаш жабаҳасида ҳам буй кўрсатмоқда. Айни кунда Хўжа қишлоғидаги оилавий поликлиника ва Тайпоқ қишлоғида жойлашган филиалида аҳолига замонавий тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ керакли шароитлар яратилмоқда.

Сирасини айтганда, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида Фарғона вилоятида 38 та маҳалла фуқаролар йиғинида 427,8 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Хуудларни ободонлаштириш мақсадида 23 километр пиледалар йўлга қурилди. Қўчаларга тунги ёриткичлар ўрнатилди, 3539 та якка тартибдаги уй-жой таъмирланди. Бундан ташқари, 5 та маҳалла фуқаролар йиғини учун хизмат бинолари қуриш ва таъмирлаш, 35 та савдо мажмуаси, 12 та маиший хизмат кўрсатиш ва 14 та кичик турдаги ишлаб чиқариш тармоғи барпо этилмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Шерзод Қорабоев
олган суратлар.



Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган ишлар замирида Президентимизнинг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Жорий йил “Очиқ бюджет” порталининг биринчи босқичида Данғара туманида 14 та лойиҳа

ғолиб деб топилди. Бу лойиҳалар учун 6 миллиард 656 миллион сўм ажратилиб, амалий ишлар якунига етмоқда.

“Қияли-қўрғонча” маҳалла фуқаролар йиғинида 3 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Маҳаллада электр таъминоти энг оғриқли нуқталардан бири бўлиб келган. Мавжуд масалалар ечимида “Ташаббусли бюджет”нинг ўрни катта бўлди. Маҳалла аҳлининг ҳудуддаги электр таъминотини

яхшилаш бўйича билдирган таклифи ғолиб бўлди. Бу ишлар учун 580 миллион сўм ажратилган. Айни кунда “Оқжар-Сирдарё сервис” МЧЖ томонидан ёғоч тизимлар замонавий темир-бетон таянч устунларга, электр симлар ёпиқ кабелларга алмаштирилди, 1 та трансформатор ўрнатилди.

— Мустақиллик байрамини ўзгача кувонч ва шодликлар билан қарши

олдик, — дея суҳбатга қўшилди маҳалла фаоли Маъруфжон Маҳаммадалиев. — “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” эканини ўз оиламиз, маҳалламиз мисолида ҳис қилиб турибмиз. Айниқса, аҳоли кундалик ҳаёти учун муҳим масалалар ечими борасида йўлга қўйилган очиқлик ва ошкоралик туфайли ёзда чанг, қишда лойга ботган кўчаларимизда амалга оширилган ишлар одамлар руҳиятини кўтариб, янги ташаббусларга қанот бағишламоқда. Мана бўларкан-ку, орзуларимиз ушалди. Тўғри, қишлоғимизда ечимини кутиб турган масалалар ҳам бор. Лекин энди ташвиш қилишга, кимларнингдир ортидан елиб-югуришга ҳожат қолмади.

Замонавий қиёфа касб этган йўл бўлишига тунги чироқлар ўрнатиш, пиледалар йўлакларни қуриш, ободонлаштириш ишлари бардавом бўлиб бормоқда.

Узоқ йиллик муаммоларга ечим топилди

Кўлами кенг эзгу ишлар “Қашқар” ва “Истиклол” маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам давом этмоқда. Бу ерда “Обод қишлоқ” давлат дастури асосида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободлик ишлари қисқа фурсатда кўна маскан қиёфасини тубдан ўзгартирди. Бу одамлар руҳиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Даставвал сизот сувни қочирадиган ариқ ва зовурлар тозаланиб, сув йўлларининг “кўзи” очилди. 12,2 километр йўлни асфальтлаш, 6,4 километрдан ортиғига шағал ётқириш ишлари олиб борилмоқда.

— Бу ерга ўтган асрнинг 60-йилларида кўчиб келганмиз, — дейди меҳнат фахрийси Санобар Уринбоева. — Тоза ичимлик сувни 10 қақирим олисдан ташиб келардик. Ёз иссиғи, қишли-қировли кунларда бу юмушларни бажариш ҳар жиҳатдан мушкул. Сув, электр, йўл масалалари юзасидан қилган мурожаатларимиз қозғоларда қолиб кетганди. Айни кунда қишлоғимизда одамлар яшаш тарзи учун зарур шароитлардан фажрланиб ўтирибман. Вақт топдим дегунча “Ҳа, деган туяга мадад” қабилида иш тутиб, қурувчилар олдига оши-қаман. Улар бизнинг фаровонлигимиз, фарзанд ва набираларимизнинг бугуни ва эртанги куни учун меҳнат қилляпти. Шу боис, уларга елкадош бўлиб, қўлаб-қувватлаб турибман.

Дастур доирасида биргина “Истиклол” маҳалла фуқаролар йиғинида республика бюджетни маблағлари ҳисобига 19 километр янги сув тармоғи тортиш, 3 та янги сув иншооти қуриш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, 2,55 километр электр тармоғи, 2 та трансформатор ўрнатиш, 169 та таянч устунни янгилаш ишлари поёнига етди.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

КЕЛАЖАК АВЛОД ҲАР ЖИҲАТДАН КАМОЛ ТОПАЁТГАН ЮРТ



Акбаршоҳ ТЕШАБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
хузуридаги Қонунчилик
муаммолари ва парламент
тадқиқотлари институти
бўлим бошлиғи,
хуқуқшунос-таҳлилчи

Бошланғичи 1-бетда

Янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши

Янги Ўзбекистон ўз ёшларига кафолатли тарзда уй-жой бераётган, ишлайман деса, қизиқишига қараб иш ўргатаётган, ўша фаолият бўйича барча зарур имкониятларни етарлича яратаяётган дунёнинг кам сонли мамлакатларидан биридир. Жумладан, бугунги кунда:

тадбиркорлик дастурларига 220 минг;

қасб-хунар ўрганишга 130 минг; давлат қорхоналари ва хусусий сектордаги бўш иш ўринларига 110 мингдан зиёд ёш жалб этилган;

ёшларни талаб юқори бўлган замонавий қасб-хунарларга ўргатиш учун биргина 2021 йилда 339 та қасб-хунар мактаби, 194 та коллеж ва 195 та техникум фаолияти йўлга қўйилгани ҳам фикримиз исботидир.

Мамлакатимиз иқтисодиётида ёш тадбиркорларнинг улуши сезиларли равишда ошиб бораётгани ёшларнинг молиявий ташаббуслари ва лойиҳаларини беминнат тарзда иқтисодий жиҳатдан молиялаштириладиган янги механизмлар жорий этилишига асос бўлмоқда. Фикримизни қуйидаги муҳим кўрсаткичлар билан изоҳлаш мумкин:

биринчи кўрсаткич: “Ёшлар дафтари”га киритилган 700 мингдан ортиқ йигит-қизнинг муаммоларини ҳал этишга 650 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди;

иккинчи кўрсаткич: сўнгги икки йилда 174 минг ёшнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 4 триллион 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилди;

учинчи кўрсаткич: 560 минг ёшга деҳқончилик учун ер майдони ажратилиб, бандлиги таъминланди.

Сўнгги йилларда замонавий, кафолатли ва самарали таълим тизими яратилиши, билимли, салоҳиятли, ватанпарвар ёш авлодини тарбиялаб, вояга еتكанининг самарали тизими кафолатланди.

Бу борада қуйидаги рақамларнинг ўзи ҳам беқиёс аҳамият касб этади.

Мақтабача таълим тизимида: биринчи, биргина 2021/2022 йилда ушбу тизимга қамров даражаси 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етди;

иккинчи, 2022/2023 йилларда 6 ёшли болаларни мақтабачага тайёрлов тизими билан қамраб олиш даражасини 90 фоизга, 2024/2025 ўқув йили якунига қадар 100 фоизга етказиш бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

Халқ таълими тизимида: биринчи, жорий ўқув йилида қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрнини яратиш; иккинчи, 2026 йил якунига қадар 6,4 миллионга етказиш.

Олий таълим тизимида: 2016 йилда битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоизни, 2021-2022 ўқув йилида 28 фоизни ташкил этган бўлса, келгусида ушбу кўрсаткични 50-60 фоизга етказиш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда.

